

МАНҒИТЛАР СУЛОЛАСИ БОШҚАРУВИДА ҚАРМАНА ВА ҚАРШИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ҲАМДА ОЛИМХОН ТЎРАНИНГ ҲОКИМЛИК ФАОЛИЯТИ

Маҳмуд Ҳамраев

Навоий давлат педагогика институти таянч докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7312485>

Тарих даврлар мобайнида босиб ўтилган йўлни қонуниятли бир жараён сифатида атрофлича тадқиқ қилувчи фан сифатида ижтимоий фанлар тизимида муҳим ўрин тутди ва кенг оммани, айниқса ёш авлодни ўз ватани ва миллатига садоқат руҳида тарбиялаб етиштиришга мисли кўрилмаган даражада хизмат қилади.

Бухоро узоқ ўтмишдан токи бугунги кунгача ўз бағрида кўпдан-кўп олим-у фузалоларни етиштирган диёрдир. Бу ўлка ҳақида тарихчи Муҳаммад Али Балжувоний ўзининг “Тарихи Нофеий” асарида қуйидагиларни келтирган: “Билмоқ лозимки бу шаҳарни “илм боғчаси” дейдилар. Бухоро сўзининг асл маъноси илмдир”.

Тарихчи олим Қаҳрамон Ражабовнинг таърифлашича: “Шарқнинг энг қадимги шаҳарларидан бири бўлган Бухорои шариф нафақат ўтмишда, балки XX асрнинг биринчи чорагида ҳам мусулмон ҳуқуқшунослигининг тан олинган маркази эди”.

Кўп даврлар мобайнида Бухоро не-не сулолалар томонидан бошқарилган. Бу сулолалар ичида Бухоро амирлигини бошқарган энг сўнггиси бу манғитлар сулоласидир. Манғитлар қавми оқ манғит, қора манғит ва тўқ манғит каби шохобчаларга бўлинган. 1756-1920 йилларда Бухоро амирлигини бошқарган манғитлар сулоласи манғит уруғининг тўқ манғит шохобчасидан бўлган.

Токи бу сулола Муҳаммад Раҳимбийдан бошланиб, Амир Саид Олимхон билан якун бўлди. Тарихчилар томонидан манғитлар сулоласи вакиллари бўлган Бухоро амирларига турлича баҳо берилади. Амирларнинг аксарияти золимлик ва ёвузликда айбланади. Мана бир асрки, Бухоро амирлигини бошқарган манғит ҳукмдорлари орасида энг сўнггиси бўлмиш Амир Саид Олим Тўра тарихнинг силсиласида зиддиятли шахс сифатида гавдаланиб келмоқда. Бухоронинг сўнгги амири Саид Олимхон. Саид Олим Тўра 1881 йил 18 декабр Бухоро амири Абдулаҳадхон хонадонида Кармана беклигидаги Олчин саройида дунёга келган. Саид Олим Тўранинг тўлиқ исми Саид Мир Муҳаммад Олимдир. Амири Саид Олимхонни ёшлигидан бошлаб Тўражон деб эъзозлашган. Оналарининг исми Давлат Бахт ойим. Амир Абдулаҳадхон хонадонида

Олимхон Тўра ёлғиз ўғил фарзанд бўлган. Амир Саид Олимхон ўз даври учун керакли билимларни отаси саройида эгаллаган. Саид Олимхоннинг авлодларидан бири Саййид Мансур Олимийнинг таъкидлаганидек: “Диний ҳамда ўша даврда кенг тарқалган билимларни замонасининг олимларидан ўрганди”.

Амир Саид Олим Тўра 13 ёшида отаси амир Абдулаҳадхон буйруғи билан ҳарбий таълим олиш учун Петербургга бориб, ҳарбий муҳандислик мутахасислиги бўйича билим олади. Саид Олим Тўра Николаев кадет корпусида император олий ҳазратларининг фахрий қоровуллари вазифасини бажарадиган “пажлар” бўлимида ўқишни бошлайди. Уч йил ўқигач, 1897 йилда диплом олиб отаси ёнига Карманага қайтади ва ўз отасидан иқтисодий, сиёсий, савдо, давлат бошқаруви, ички таълим масалаларини ўрганади. Шу ўринда Ёш бухороликлар партиясининг асосчиларидан бири Фитратнинг ёзишича, “Абдулаҳад ўғлининг таҳсилни тугатиши муносабати билан Петербургга бориб, катта зиёфат ва инъомлар бериб, Амир Саид Олим Тўрани ўзининг валиаҳди деб эълон қилди.”.

Амир Саид Олим Тўра ҳозирда Қарши деб аталадиган Насаф вилоятига ҳоким этиб тайинланади. Шу ўринда Насаф тарихига бир назар солинса бу ҳудуд Бухоро амирлиги шарқий қисмида жойлашган муҳим, маъмурий, иқтисодий, сиёсий ва маданий марказлардан бири бўлган. Бу шаҳарнинг тарихий илдизлари милоддан аввалги асрларга туташ бўлиб, илк ўрта асрларда Жанубий Сўғднинг муҳим ҳудудларидан бири ҳисобланган. Сўнгги ўрта асрларда бу беклик Бухоро амирлиги таркибида жуда муҳим мавқега эга бўлиб келган. Айниқса XVIII аср охиридан бошлаб бу шаҳар Бухоро давлатининг шарқий ҳудудларини бошқаришда ҳарбий-сиёсий таянч ва иккинчи пойтахт вазифасини ўтаб келган. Насаф Шарқ ва Жанубий Шарқ давлатларидан Бухорога бориладиган транзит йўли устида жойлашганлиги туфайли барча карвонлар бу шаҳарни четлаб ўтолмас эди. Насаф беклиги Бухоро воҳасини Шаҳрисабз ва Ҳисор воҳаси билан боғлар ва шулар ҳисобидан Қарши мунтазам ривожланиб тараққий этиб борди.

Тарихчи олим Қаҳрамон Ражабовнинг маълумотича: “Қарши ва Ғузор бекликлари (вилоятлари) Бухоро амирлиги таркибидаги 27 та вилоятнинг иккитаси сифатида XX аср бошларига келганда ҳам ўз мавқеини сақлаб қолган эди. Бу пайтда Қарши вилояти 10 та, Ғузор вилояти 8 та амлоқдан иборат бўлган. Хусусан, Қарши шаҳри икки вилоятнинг қолаверса, Қарши воҳасининг муҳим сиёсий ва маъмурий маркази сифатида Бухоро амирлигида пойтахтдан кейин турувчи шаҳар мавқеини йуқотмаслик учун Кармана билан рақобатда бўлган” .

Амир Саид Олим Тўра Қаршида 12 йил ҳукмронлик қилади. Ўша йиллар давомида муайян ўзгаришларга бош бўлди. Амир Саид Олим Тўра ўзининг Қаршидаги ҳукмдорлик даврида қатор ислохотларни амалга оширгани ҳақида ўзининг “Бухоро халқининг ҳасрати тарихи” асарида қуйидагиларни келтириб ўтади: “Бу ожиз банданинг Насаф вилоятидаги ҳукмронлиги муддати ўн икки йил давом этди. Бу муддат ичида менинг ҳукматим ҳамиша фақирпарвар ва ғарибнавозликка интиларди, мазлумларни золимлардан асраб, ҳақни қарор топдирарди. Шундай қилиб, мазкур вилоят аҳолисини ўзимдан хурсанд-у мамнун эттирардим. Мазкур вилоятга яқин жойда Қашқа деган шўх дарё оқарди. Ундан камбағал бева-бечораларнинг кечиб ўтишида роҳати бузилиб, доимо ғам-ташвишда эдилар. Аҳолининг осойишталигини кўзлаб мазкур дарёга тош-у темирдан бир кўприк қурдирдим, кўприкни эса ўз номим билан атадим. Шояд фақир-у фуқаролар сув кечиш ташвишидан қутилиб, тинч-у осуда яшасалар, деб уйладим. Шу билан яна бошқа бир қанча мадраса ва ибодатхоналар қуриб, бу борада анчагина юмушларни юзага келтирдим.” .

Вилоят худудидан оқиб ўтадиган дарё устидан узунлиги 122м, эни 8,2м дарё тубидан баландлиги эса 5,35м бўлган кўприк қурдириб, одамларнинг узоғини яқин қилди. Кўприк устида эса тўртта равоқ (қоровулхона) бунёд этади.

Амир Саид Олим Тўранинг Қаршидаги ҳокимлик даври хусусида унинг авлоди ҳисобланган Саййид Мансур Олимий ўзининг “Бухоро- Туркистон бешиги” рисоласида қуйидагича таъкидлайди: “12 йиллик ҳукмронлик даврида катта Қарши наҳри устига кўприк қурдирди, мадраса барпо этди”.

Аммо Амир Саид Олим Тўранинг Қаршидаги фаолияти хусусида Фитратнинг келтирган маълумотларига эътибор қаратсак: “Олим Тўра Қаршига келган захотиёқ вилоятнинг барча иш, юмушларини Усмонбек ихтиёрига қолдириб, ўзи айш-ишрат билан шуғулланди. Мамлакатнинг аҳволи ва ишларидан шунчалик узоқ эдики, ҳеч ким бирор иш юзасидан унга мурожаат этмасди” .

Шу ўринда биринчи ўзбек профессори Абдурауф Фитратнинг Амир Саид Олимхонга муҳолифатда эканлигини унутмаслигимиз керакки, бу жиҳат маълумотларни бетараф ҳолда ҳолисона таҳлил қилишга имкон беради.

Амир Саид Олим Тўра Қаршида 12 йил ҳукмронлик қилиб, Амир Абдулаҳадхоннинг соғлиги ёмонлашгач, Карманага ҳоким этиб тайинланади.

Шу ўринда Кармана беклиги тарихига озроқ тўхталсак. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сақланаётган қўлёзма ҳужжатларда Кармана Бухоро хонлигининг алоҳида бир вилояти сифатида тилга олинади. Кармана манғитлар сулоласининг сўнгги йилларига қадар Бухоро амирлиги таркибида бўлиб, амирликнинг иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан муҳим бекликларидан бири бўлиб қолди. Кармана Зарафшон дарёси бўйида жойлашганлиги, хушманзара, хушхаво шаҳар бўлганлиги туфайли деярли барча манғит амирларининг диққат марказида бўлди. Ўша давр қоида-қонунларига биноан, Кармана беги Бухоро амирининг тахт вориси саналиб, валиаҳд ҳисобланган. Шунинг учун Кармана Бухоро амирларининг норасмий иккинчи пойтахти бўлиб қолди.

Муҳаммад Али Балжувоний ўзининг “Тарихи нофеъий” китобида манғит амирлари даврида Бухоро давлатида Карманадаги Чорбоғи Мирзо ва Чорбоғи Чармгарий ҳамда Чорбоғи Олчин пойтахт амирларининг дам оладиган жойи сифатида маълум бўлганлигини ёзади.

Кармана Бухоро амирлиги таркибида шаҳар ва беклик бўлиб қолди. У манғитлар сулоласига оид Бухоро амирларининг меросий мулки бўлган. Карманада аҳоли кўплиги ва зичлиги боис сув танқислиги сезилиб турган. Кармана Бухорога нисбатан ўзининг соғлом иқлими ва тоза ҳавоси билан ажралиб турган.

1910 йил 22 декабр куни Амир Абдулаҳадхон Кармана яқинида жойлашган Хайрободдаги боғида 53 ёшида буйрак хасталигидан вафот этди ва Карманадаги Қосим Шайх хонақоҳи ёнидаги мажмуада ўғли Олимхон томонидан қурдирилган хилхонада дафн этилди. Хилхонага киришда эшик устида Олимхон отасига атаб форс тилида марсия ёздирди. Уни нуроталик уста сангтарош мулла Абдурахим Ғазғоний мрамор тошга ўйиб ёзган. Бу вақтда махсус топшириқ билан Тошкентга юборилган Амир Олим Тўра эса зудлик билан Бухорога қайтди ва 30-декабр куни амирлик тахтига ўтиради. Шундай қилиб, сўнгги манғит амирлари даврида Кармананиннг норасмий пойтахтга айлантирилиши, бу ерда амалга оширилган иқтисодий, ижтимоий соҳадаги ижобий ўзгаришлар Кармананиннг тарих жабҳасида, айниқса амирлик даврида мавқеи ошганлигига шубҳа қолдирмайди.

Амир Саид Олимхон Бухоро тахтини эгаллагач ҳам қатор ислоҳотларга қўл урди. Хусусан, бу ҳақида Амир Саид Олимхоннинг ўзи шундай дейди: ” Тахтга ўтирганимдан сўнг бу банд даргоҳи олийда мамлакатимнинг бир йиллик хирож тўлашдан озод қилиш фармойишини

бердим. Бухоро минорасининг паст томонида бозорнинг ички томонида ўз номимдан Дорул-улум — Билим уйи бўлган бир мадраса қурдирдим; ҳар хил илмдан дарс берувчи муаллимлар тайин эттирдим. Мазкур мадрасада истиқомат қиладиган талабалар сарф-харажатлари, маош ва кийим-кечаги ҳам ўз тарафимдан белгиланиб, унга бир нафар нозир тайин этдим; уларнинг емак-ичмак, маош ва кийим-кечакларини муайян бир вақтда етказтирдим. Бозор ва йул ободлигига кўп ҳаракат килдим, уч йил ичида Бухоро мамлакати анча обод бўлди, унга зеб-зийнат ва тартиб-интизом ўрнатдим”.

Амир Олимхон Европа ва Осиёнинг ривожланган давлатларидан мамлакат худудига кириб келаётган таълим тизимига оид ўзгаришларга ижобий муносабатда бўлиб, дунёвий фанларни ўқитилишига қаршилик қилмаган. Шу ўринда туркиялик тарихчи олим Нуреттин Ҳатиноғлунинг фикрига эътибор қаратсак “Олимхоннинг дунёқараши ва шахси ҳақида сотқин, мустабид, янгиликка қарши, цивилизация душмани, лаёқатсиз ва худбин шахс деган фикр жамиятда ҳукм суради. Бироқ Олимхон ҳақидаги бу фикрлар сиёсий мақсадларни кўзлаб юритилган сиёсат натижасидир”.

Афсуски, мустабид тузум даврида тарихий шахс ва қаҳрамонларимизни ўрганишга улар фаолияти билан танишишга имкон бўлмаган.

Ҳозирги даврда тарих фанида долзарб муаммоларни тадқиқ этишга тамомила янгича усулда ёндашилмоқда. Замонамиз тарих фани олдимизга ўтмиш ҳақидаги ҳақиқатни аниқлашдек масъулиятли ва муҳим вазифани тазйиқ ва назоратларсиз, холисона, турли чекловларсиз бажариш имконияти яратиб берди.

Амир Саид Олимхон тарихий хотирамизда юрт ҳолига бефарқ бўлмаган, илм-маърифатга ҳомийлик қилган, ўз халқи тинчлиги учун ватанини тарк этишга мажбур бўлган сўнгги манғит ҳукмдори сифатида гавдаланса мақсадга мувофиқ бўларди. Даврлар, мамлакатлар, ҳукмдорлар алмашаверади. Аммо тарихий ҳақиқатлар барибир қачондир тикланади

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Амир Саййид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи.- Тошкент.: “Фан”, 1991.
2. Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи нофеий. Тошкент., “Академия”, 2001.
3. Фитрат. Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври. Тошкент., “Минҳож”, 1992.
4. Саййид Мансур Олимий. Бухоро-Туркистон бешиги. Бухоро., “Бухоро”,

2004.

5. Ражабов.Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши қуролли кураш: тарих ҳақиқати (1920-1924 йиллар). Тошкент ., “Маънавият”, 2002.
6. Ҳайитова.О. Қурбонов.Х. Кармана тарихи. Тошкент ., «МАШҲУР-ПРЕСС», 2018.
7. Nurettin Hatinoğlu. Türkistanda Son Türk Devleti Buhara Emirliği ve Alim Han. Istanbul., “Ötüken”, 2011.
8. Ражабов Қ. Қарши шаҳри XX асрнинг биринчи ярмида: Ижтимоий ривожланиш ва муаммолар// “Ўзбекистон тарихи”. (Тошкент). № 2-3. 2006 йил 21 июл.
9. Ражабов Қ. Мунгли кечмиш ёхуд тарихдан бир сабоқ // “Ёшлик”. (Тошкент). № 5. 2014 йил.